

# Истиқлол

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси  
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!

№ 15 (728) 15.08.2023 | 28.08.2023

31 август – Қатағон қурбонлари хотирасини ёд этиш куни

## Истиқлол фидойилари унутилмайди



Етмиш йил ҳукмронлик қилган шўро тузуми халқимиз бошига мислсиз кулфатларни солди. Аиниқса, ўша даврда миллатимизнинг қанчадан-қанча зиёли фарзандлари қатағон қилинди. “Халқ душмани” тамғаси остида минглаб инсонлар ҳибсга олиниб, судсиз отиб ташланди, уларнинг фарзандлари, яқинлари эса, узоқ йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Мақсад – халқни динидан, ўзлигидан жудо қилиш, одамларни кучли қўрқув остида тутиш эди. Ушбу мудҳиш зулм миллатимиз хотирасида улкан жароҳат бўлиб из қолдирди.

Мустақиллик даврида яшаётган юртдошларимиз ушбу оғир кунларни асло эсдан чиқармасликлари керак. Зеро, бу ҳур ва озод, тинч ва фаровон замонда яшаётган авлод учун тарихнинг аччиқ сабоғидир. Бугуннинг қадрини англатадиган, шукроналикка ўргатадиган дарсдир.

Миллатларга эркинлик, бахтли ҳаётни ваъда қилган ваҳший тузум амалда бутунлай тескарисини қилди. Шўролар давлатининг илк даври, яъни 1917–1919 йилларда фуқаролар уруши, очарчилик ҳукм сурган бўлса, 1920–1925 йилларда мулкдорларни кулоқ қилиш, муллаларни қамаб, масжидларни бузиш каби разолат авж олди. 1925–1933 йиллардаги қаҳатчилик, йўқчилик эса, минг-минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди. 1934–1939 йиллари халқимиз бошида даҳшатли қатағон қиличи ўйнади: миллатнинг асл фарзандлари бўлган қанчалаб

зиёлилар, диндорлар “халқ душмани” сифатида қамоққа олиниб, отиб ташланди. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврдаги йўқчиликлар, очарчиликлар, навбатдаги қатағонлар... Хуллас, халқимизнинг зулмдан боши чиқмади.

Тошкент шаҳридаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуига қаддам босган кишини маҳзун кайфият чулғаб олади. Бу маскан 1937–1938 йиллардаги “катта қирғин”га гувоҳ. Ўша даврда овлоқ, кимсасиз бўлган бу жойга қоронғи тушганида маҳбуслар олиб келиниб отилган ва кўмиб ташланган.

Ўша кунларга гувоҳ кекса авлод вакиллари бу жойдан ярим кечалари ўқ овози эшитилиб турганини эслашади. Хусусан, бешикчи уста ҳамда миришкор боғбон Миролим Миркомиллов (марҳум) ўша воқеаларнинг шоҳиди бўлган. У, одатдагидек, ёз оиларини оиласи билан Бўзсув бўйидаги боғида, қиш кунларини эса, шаҳар ҳовлисида ўтказарди. 1938 йилнинг эрта кузида оила аъзолари шаҳар ҳовлисига кўчиб ўтган, ҳали мева-чевалар охиригача йиғиб олинмагани учун боғ ҳовлида танҳо ўзи қолган эди. Бир ҳафтадирки, боғ ортидаги жарликда содир бўлаётган тунги нотинчликлар унга уйку бермайди. Ярим тундан бошлаб дам-бадам янграган ўқ овозлари, ўлимга маҳкум этилган шўрликларнинг оҳ-фиғонлари, ингроқлари, калимаи шаҳодат садолари кулоғига чалинади. Ўша куни боғ девори ортида, ўн беш-йигирма

одим нарида бўлиб ўтган суҳбат кулоғига чалинади: “Татармисан? Мусулмонмисан?” Боғбон бирдан хушёр тортади: “Бу ўзимизнинг Абдулла Қодирий-ку!” Шу заҳоти девор тирқишидан мўралайди. Тунги ғира-ширада, бир-бирига рўпара турган командир билан маҳбусга кўзи тушади. Маҳбус таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқиб олишга руҳсат сўрайди. Унинг ўтинчи бажо келтирилади. Шундан сўнг ўқ овози янграйди...

Кейинчалик, архив ҳужжатларидан маълум бўлдики, ўша машъум 4 октябрь туни Абдулла Қодирий қатори Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби жами ўн саккиз нафар зиёли қатл этилган.

Қатағон қурбонларининг айби нима бўлган? Улар миллатига, иймон-этиқодига содиқ, халқини билимли, маърифатли қилишни кўзлаган, юрт истиқлолига жонини тиккан фидойилар эди-ку. Золимлар маҳаллий халқ ичидаги фикри уйғоқ, дин-диёнатли, маърифатпарвар инсонларни маҳв этишни кўзлаб, даҳшатли қонхўрликни амалга оширишади.

Юрт озодлиги йўлида шаҳид кетган боболаримиз хотирасини ёдга олиш ўта хайрли амалдир. Зеро, уларнинг жасорати, фидойилиги олдида қарздормиз. Қачонки, бу зотларга муносиб бўлсак, ушбу ҳақни маълум даражада ўтаган бўламиз.

Тўлқин ШЕРНАЕВ

### ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 1 август. Дин ишлари бўйича кўмига раиси С. Тошбоев ва БААнинг Экстремизм ва зўравон экстремизмга қарши курашиш бўйича “Ҳидоя” халқаро тадқиқот маркази ижрочи директори Аҳмад ал-Қосимий ўртасида англашув Меморандуми имзоланди.

✓ 1 август. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази уламоларининг “Фатволар тўплами” номли китобининг 1-жузи нашрдан чиқди.

✓ 1 август. Паркент тумани Қизил тоғ қўрғонида “Сайид ота” жоме масжидининг янги биноси қурилишига илк ғишт кўйиш маросими бўлди.

✓ 4 август. Муфтий Бобохоновлар жамғармаси ва “Шамсуддинхон Бобохонов” НМИУ ўртасида англашув Меморандуми имзоланди.

✓ 7 август. Ўзбекистон мусулмонлари идорасида қироат устозларидан иборат ҳайъат тузилди. Ҳайъат аъзолари масжид имом-хатиблари ва имом ноибларининг қироат ва тажвид борасидаги билимларини такомиллаштиришда яқиндан ёрдам беради.

✓ 8 август. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан ўтказилган матбуот анжуманида Имом Бухорий қаламига мансуб 22 номдаги асарнинг 3 минг 296 та кўлэзма нусхаси дунёнинг 41 та мамлакатадаги 260 та кутубхона фондларида сақланаётгани айтилди.

✓ 9 август. Ўзбекистон Туризм кўмитаси делегацияси аъзолари ва Индонезия мусулмонлари идораси раҳбарияти учрашувида мамлакатлар ўртасида “Halal tourism” тарғиботини янада кучайтириш, мусулмон сайёҳлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалалари муҳокама этилди.

✓ 10 август. Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ташкил этилган “Halal Fair Jakarta” туризм кўргазма намоиши этилди.

✓ 10 август. Тошкент шаҳридаги “Хадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

# Кимнинг китоби ўнг тарафдан берилса...



«Осмон ёрилса. У (осмон) Раббисига бўйсунди ва итоат этди. У бўйсунди, итоат этиши шарт. Ер текисланса. Ва ўз ичидаги нарсаларни отиб чиқариб, холи қолса. У (ер) ўз Раббисига бўйсунди ва итоат этди. Шундоқ бўлиши шарт. Эй инсон! Албатта, сен Раббингга йўлиққунингча, ҳаракату уринишда бўласан ва охири унга йўлиқасан. Кимнинг китоби ўнг тарафдан берилса. Тезда осонгина ҳисоб қилинур. Ва аҳли ҳузурига хурсанд ҳолда қайтиб борур. Кимнинг китоби орқа тарафдан берилса... У тезда ўзига ҳалокатни чақирур. Ва қизиб турган дўзахга кирур. Чунки у (бу дунёда) ўз аҳли билан хурсанд бўлиб ўтган эди. Чунки у ҳеч қачон орқага қайтмасликни ўйлаган эди» (Иншиқоқ сураси, 1–14-оятлар).

«Осмон ёрилса». Ояти карима қиёмат ва унинг аломатларига ишорадир.

«У (осмон) Раббисига бўйсунди ва итоат этди. У бўйсунди, итоат этиши шарт».

Осмоннинг бўйсунди Аллоҳ таолонинг ҳукмига итоат этишидир.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «**Ер хамир каби**


ёйилади», деганлар. Ер ёйилганида, ундаги барча нотекистиклар текисланади.

«Ва ўз ичидаги нарсаларни отиб чиқариб, холи қолса». Яъни, жасадларни чиқариб, улардан холи бўлади. Ибн Жубайр айтади: «Ўз қаъридаги жасадларни чиқариб ташлайди ва устидаги тириклардан халос бўлади». Бир ўринда бундай келади: «У ўз қаъридаги бойликларни чиқариб ташлайди. Унинг тубида бирор нарса қолмайди». Яна бир ўринда: «Ер ўзидаги тоғ ва денгизлардан халос бўлади».

«У (ер) ўз Раббисига бўйсунди ва итоат этди», яъни жасадларини чиқаришда Аллоҳ таолонинг амрига бўйсунди.

«Эй инсон! Албатта, сен Раббингга йўлиққунингча, ҳаракату уринишда бўласан ва охири унга йўлиқасан ҳам». Саид Қатодадан ривоят қилади: «Эй одам боласи, сенинг ҳаракатинг суст. Ким саъй-ҳаракатини Аллоҳ таоло тоатиға йўллай олса, шундай қилсин. Зеро, куч-қувват фақат Аллоҳ таолодан дидир».

«Кимнинг китоби ўнг тарафдан берилса». Яъни, мўминга. «Тезда осонгина ҳисоб қилинур», унинг учун ҳисоб-китобда машаққат бўлмайди. Ойша онамиз розияллоҳу анҳо ривоят қилади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «**Ким қиёмат куни ҳисоб қилинса, азобланади**», дедилар. Мен: «Ё Расулulloҳ, Аллоҳ таоло: «**Аммо кимнинг китоби ўнг тарафдан берилса, тезда осонгина ҳисоб қилинур**» деб марҳамат қилмаганми?» деб сўрадим. Набий алайҳиссалом: «**У ҳисоб-китоб эмас. У кўрсатишдир. Ким билан ҳисоб-китобда тортишилса, у азобланади**», дедилар» (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).



«Ва аҳли ҳузурига қайтиб борур». Жаннатда жуфтлари ҳури ийнлар бўлади. «Хурсанд ҳолда», яъни кўзи қувнаган мамнун ҳолда. Ривоят қилинишича, ушбу ояти карима Абу Салама ибн Абдул Асад ҳақида нозил бўлган. Сабаби у Маккадан Мадинага ҳижрат қилган биринчи саҳобадир.

«Ва аммо кимнинг китоби орқа тарафдан берилса...» Ушбу ояти карима Абу Саламанинг укаси Асвад ибн Абдул Асад ҳақида нозил бўлган. Қатода ва Муқотил: «Кўкси ва суяги очилади, сўнгра кўли кириб орқасидан чиқади. Китобини шу тариқа олади», деганлар.

«У тезда ўзига ҳалокатни чақирур». Ҳалокатдан: «Вой шўрим?!» деб шовқин-сурон солади. «Ва қизиб турган дўзахга кирур», ҳарорати қизиб турган дўзахга киради.

«Чунки у (бу дунёда) ўз аҳли билан хурсанд бўлиб ўтган эди». Ибн Зайд айтади: «Аллоҳ таоло жаннат аҳлини дунёда маҳзун йиғловчи ва кўрқувчи қилди. Охирада эса, хурсандчилик ва жаннат билан мукофотлади», деди ва

ушбу ояти каримани ўқиди: «Албатта, биз илгари ўз аҳлимиз даврасида У зотдан кўрқувчилардан эдик. Бас, Аллоҳ бизга марҳамат қилди ва бизни дўзах азобидан сақлади» (Тур сураси, 26–27-оятлар). Дўзах аҳлини эса, осий бўлиш дунёда фақат хурсандчилик, кулгу ва вақтичоғлик билан васфлаб: «Чунки у (бу дунёда) ўз аҳли билан хурсанд бўлиб ўтган эди», деди.

«Чунки у ҳеч қачон орқага қайтмасликни ўйлаган эди». Яъни, одам қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинишини, кейин ё мукофот ё жазога тортилишини ўйламаган эди.

«Тафсири Куртубий» асосида Қибрай тумани бош имом-хатиби Миродил МИРЖАЛИЛОВ тайёрлади.



Миродил Миржалилов 1981 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1998–2002 йилларда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида таълим олган. 2007 йилдан ҳозирга қадар Қибрай тумани «Дўрмон» жоме масжиди имом-хатиби, 2015 йилдан Қибрай тумани бош имом-хатиби сифатида фаолият юритмоқда.

## Динимизни ўрганамиз

Шукр фақат тил билан бўлмайди, балки у, аввало, чин қалбдан неъматни эътироф этиб рози бўлишдир. Сўнг уни тил билан ифода этиш ва қолган аъзолар билан ушбу неъмат ҳаққини адо этиш лозим. Бу ҳақда шоир бундай дейди: «Аллоҳ таолонинг неъматларига шукронани менинг уч нарсам: кўлим, тилим ва кўринмас қалбим ифода қилди».

«Шукр» сўзи луғатда «раҳмат айтмоқ» ва «миннатдорлик билдирмоқ» маъноларини англатади. Шаръий истилоҳда эса: «Шукр дегани – қилинган яхшиликка муносиб жавоб қайтариш ва яхшилигу эҳсон қилувчига чиройли ташаккур билдиришдир», дея таъриф берилган.

Аллоҳ таоло фазлу карами ила

инсонни ақл-идрок соҳиби қилиб яратди ва унга беҳисоб неъматларни ато этди ва Ўзининг неъматларига шукр айтишга ҳам буюриб, шукр қилувчиларга неъматларини кўпайтиришини ваъда қилди: «**Яна Раббингиз эълон қилган** (бу сўзлар) **ни эслангиз: «Қасамки, агар** (берган неъматларимга) **шукр қилсангиз, албатта**, (уларни янада) **зиёда қилурман. Борди-ю, ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим** (ҳам) **жуда қаттиқдир**» (Иброҳим сураси, 7-оят).

Ислом таълимотида неъматларга шукр қилиш улуғ фазилат

ва юқори даража деб алоҳида қайд қилинган. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху: «**Шукр қилиш иймоннинг ярмидир**». Бошқа ўринда эса: «**Иймон – сабр ва шукрдан иборат**», деб ҳам айтилган.

Шу боис Аллоҳ таоло барча-мизни шукр қилишга амр қилиб, ношукрликдан қайтарган. Буюк бобокалонимиз «Ҳазрати Имом» дея улуғланувчи Абу Бакр Қаф-фол Шоший «Жавоми ул-калим» китобида келтирилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай деганлар: «**Неъматлар ҳақида сўзлаш шукр қилишдир ва**

**аксинча улар ҳақида гапиришни тарк қилиш ношукрликдир**». Зеро, Ҳақ таоло Каломи шарифида ҳабибига буюриб, бундай марҳамат қилган: «**Аммо Парвардигорингизнинг** (сизга ато этган барча) **неъматини ҳақида эса** (одамларга) **сўзланг!**» (Зуҳро сураси, 11-оят).

Яратган бизларга ато этган беҳисоб неъматларни ёдда тутиш, уни ўз вақтида қадрлай олиш ўша неъматларнинг давомийлигига сабаб бўлади. Шайх Саъдий айтганлар: «Ҳар нафаски, ичкарига киради, у ҳаётни бир нафасга чўзувчидир. Олинган нафаснинг қайтиб чиқмоғи

# Олийҳиммат бўлишга даъват\*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз ваъз-насихатлари билан умматларини олийҳиммат бўлишга, катта ишлар ва буюк мақсадларни кўзлашга ундаганлар. Дунёнинг ўткинчи матоҳлари билан ўралашиб, мол-дунё муҳаббатини қалбга жо қилишдан қайтарганлар. Чунончи, у зот алайҳиссалом ўз ҳадисларида: **“Бойлик мол-давлатнинг кўплиги эмас, балки нафсининг тўқлигидир”**, деб марҳамат қилганлар.<sup>1</sup>

Аксарият инсонлар бойлик деганда, молу дунёнинг кўплиги, мансабнинг баланд бўлишини тушунишади. Лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бойлик маъносини тасаввур қилишда ундан ҳам олийроқ маънони кўрсатиб бердилар. **“У нафсининг тўқлигидир”**, дедилар, яъни мақтовга сазовор бўлган бойлик матоҳлар ва мол-мулкнинг кўплиги эмас. Чунки Аллоҳнинг кенг қилиб берган кўпчилик кишилар борки, улар ўзларига берилган неъматни фойдали ишларга сарфламай, мол-дунёни янада кўпайтириш пайдан бўладилар. Лекин бу давлатнинг қаёқдан келаётганига эътибор қаратмайдилар. Бундай кишилар ниҳоятда очкўз бўлгани учун фақирдилар. Чунки бойлик деганда аслида қалбнинг бойлиги, назарнинг тўқлиги назарда тутилади. Халқ тили билан айтганда, кўзи тўқ инсон бой ҳисобланади. Мана шундай қалби бой, кўзи тўқ инсонлар ўзларига тақсим қилиб берилган нарса билан кифояланишади, шунга қаноат қилишади ва сўрашда қаттиқ туриб олмай, эришган нарсалари учун оламларнинг Раббига шукроналар айтишади.

Нафсини тама қилишдан тўхтатган кишининг қалби хотиржам бўлади, Аллоҳнинг наздида даражаси кўтарилди. Шунингдек, ўзи бой бўлиб, нафси фақир бўлганлардан ҳам кўпроқ мақтов,

\* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

эса эгасини хурсанд қилувчидир. Шундан маълум бўладики, ҳар бир нафасда икки неъмат бор. Бири нафасни саломат ютиш ва иккинчиси олинган нафасни қайтариб чиқариш ва ҳар иккиси учун алоҳида-алоҳида шукр келтириш вожибдир.

Аллоҳ таоло неъматларига шукр айтувчиларни, албатта, мукофотлаши ва уларга улуғ ажру савоблар беришини ҳам кафолатлагандир. У зот айтади: **“... Шукр қилувчиларни эса, албатта, мукофотлаймиз”** (Оли Имрон сураси, 145-оят).

шараф, ҳурмат ва олий мартабалаарга эришади. Нафсининг фақирлиги ўз соҳибини паст ишларга аралаштириб қўяди. Чунки унинг ҳиммати паст бўлгани учун инсонларнинг кўзига ҳам оддий инсон бўлиб кўринади. Бу эса унинг нафси фақир, ўзи жуда хор одам бўлишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзига бўлиб берилган нарсага рози бўлган киши гўёки доим ғалаба қозонувчи киши кабир. Нафси фақирлик билан сифатланган киши гўёки доим мағлуб бўлувчи киши кабир. Бундай кишилар йўқотган нарсасига афсус қилади, қўлга кирита олмаётган нарсасига талпини ва ҳирс билан унинг кетидан югуриб юради. Нафси бой киши эса берувчи ҳам, олувчи ҳам Аллоҳ эканини яхши билади. У Аллоҳнинг тақдирига рози бўлади, неъматларига шукр қилади, қийинчиликда ёрдам бергани учун Раббига ўз миннатдорлигини изҳор қилади. Бир қасидада куйидагича шеър битилган:

*Раббингдан дуо қилиб  
олийликни сўрагин,  
Олийлик билан бирга  
бойликни ҳам тилагин.  
Асли бойлик қалбдадир,  
ҳамёнда эмас, эй дўст,  
Ҳамёни тўла фақир,  
бечорадек бўлмагин.*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олий ҳимматли бўлишга ундашлари куйидаги ҳадисда ҳам кўринади: **“(Ҳақиқий) силаи раҳм қилувчи яхшиликка яхшилик қайтарган эмас, (ҳақиқий) силаи раҳм қилувчи қариндош-уруғчилик узилиб қолганда уни тиклаган кишидир”**.<sup>2</sup>

Одатда одамлар силаи раҳм қилувчи деганда қилинган яхшиликка шу тариқа жавоб қайтарувчи инсонни тушунишади. Қариндошлар яхшилик қилса, у ҳам яхшилик қилиши керак, агар қариндошлари у билан алоқани узса, у ҳам қариндош-уруғчилик алоқаларини узиши

Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Ким озига шукр қилмаса, кўпига ҳам шукр қилмайди. Ким инсонларга ташаккур айтмаса, Аллоҳ таолога ҳам шукр қилмайди. Неъматлар ҳақида гапириниш – шукрдир. Уни гапирмаслик эса – ношукрликдир. Жамоат билан юришиш – раҳматдир. Ёлғизлик эса – азобдир”**, – дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Ҳадиси шариф мазмунига мувофиқ биз юртимизда халқимиз бахту саодати, фаровонлиги, осойишталиги ва тинчлиги йўлида



керак, деган тушунча бор. Лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан-да юқорироқ тушунчани келтирдилар. Силаи раҳм қилувчининг савобини олиш, унинг фазилатларига эришиш учун қилинган яхшиликка унинг миқдоричалик жавоб қайтариш эмас, балки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек, силаи раҳм кесилганида (яъни қариндош-уруғчилик алоқалари узилганида) ўша алоқаларни тиклаш керак бўлади. Ана шунда силаи раҳм қилувчининг савоби олинади. Бу эса энг олий мартаба эканига ҳадиси шарифда ишора қилинмоқда. Лекин шу ўринда “Бир кишининг яқинлари қариндошлик алоқаларини узмаган бўлса, доим бир-бирига яхшилик қилиб келишаётган бўлса, улар силаи раҳм савобини олмайдиларми?” деган савол ҳам туғилиши мумкин. Бундай саволга: “Йўқ, албатта, улар ҳам силаи раҳмнинг савобини олишади, фақат юқоридаги ҳадисда силаи раҳм узилган вақтда уни тиклаган одамнинг даражаси Аллоҳнинг наздида жуда юқори бўлиши таъкидланмоқда”, деб жавоб берамиз...

Сайид Муҳаммад Ҳасанийнинг “Икки олам сарвари” асаридан Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ таржимаси

<sup>1</sup> Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривояти.  
<sup>2</sup> Имом Бухорий ва Имом Аҳмад ривояти.

## Динимизни ўрганамиз

қилинаётган барча хайрли ва эзгу амалларига ҳам ўз ўрнида миннатдорлик билдиришимиз лозим.

Аллоҳ таоло барчамизни бориға шукр айтувчи ва ҳар бир ҳолимизда сабр қилувчи, Ўзидан ёрдам кутувчи ва шукримиз эвазига улкан ажр-мукофотларга ноил этсин!

Абдувоҳид АҲМАДАЛИЕВ,  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Фатво маркази мутахассиси

## Масала

### Динда саволим бор...

**САВОЛ:** Эркак киши платина (оқ олтин)дан ясалган соат тақиши мумкинми?

**ЖАВОБ:** Платина тилла аралаштирилмаган, соф ҳолатида бўлса, ундай соатларни эркаклар тақиши жоиз. Соф платина олтин ҳисобланмайди.

**САВОЛ:** Фарз намозини имомга иқтидо қилиб ўқилганда, эргашган одам рукуга кетаётиб, турганда, саждага кетаётиб ва турганда, Аллоҳу акбар дейди ми ёки имом айтгани етарлими?

**ЖАВОБ:** Имомга иқтидо қилган одам интиқол (бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш) такбирларини ўзи эшитадиган даражада айтади.

**САВОЛ:** Бугунги кунда Каъбани тавоф қилиш учун эҳромсиз кишиларни кўйишмаяпти. Мийқотга бормасдан ва умрани ният қилмасдан эҳром кийиб фақат тавоф қилса бўладими?

**ЖАВОБ:** Ҳаж ва умра амаллари тавофидан бошқа вақтда қилинадиган тавофлар нафл бўлади. Мусулмон ёлғон ишлатмаслиги керак. Ҳозирги кунда ҳаж ва умра амалларини адо этувчилар кўплиги учун ташкилотчилар ана шу чорани қўллаган бўлсалар керак.

Каъбанинг ёнида тавоф қилишнинг имкони бўлмаса-да, Масжидул Ҳаромнинг иккинчи ва учинчи қаватларида кучи етганча тавоф қилса бўлади.

**САВОЛ:** Эр ёки хотин вафот этса, ўртадаги никоҳ бузилади деб ўқидим. Шу тўғрими? Ҳазрати Али Фотима онамизни ўзлари ғусл қилдириб, ўзлари кафанлаганлар-ку?!

**ЖАВОБ:** Ҳа. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Али розияллоҳу анҳуга **“Фотима сени дунёдаги ва охирадаги аёлинг”**, деганлар.

**САВОЛ:** Оёғим синган, намозни ўтириб ўқияпман. Қиблага қараб ўтирсам, оёғим қиблага узатилган бўлиб қоляпти, шунга қиблага орқамни қилиб ўқияпман. Шу тўғрими?

**ЖАВОБ:** Йўқ. Қиблага юзланиш намознинг фарзларидан биридир. Имкони бўлатуриб қиблага юзланмай намоз ўқиш жоиз эмас. Оёғини бука олмайдиганлар ёки ётган ҳолида намоз ўқийдиган беморлар оёғини қиблага узатиб намоз ўқишлари мумкин.

5-бетда

# Ҳам Холиқнинг, ҳам халойиқнинг муҳаббатига сазовор қилади

Саҳл ибн Саъд розияллоху анху ривоят қилади: «Бир киши Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Ё Расулуллох, мени шундай амалга йўллаб қўйингки, агар уни қилсам, ҳам Аллохнинг, ҳам одамларнинг муҳаббатига сазовор бўлайин”, деди. У зот: “Дунёда зоҳид бўл, Аллох сени яхши кўради. Инсонларнинг қўлидаги нарсадан беҳожат бўл, одамлар сени яхши кўрадилар”, дедилар» (Имом Ибн Можа ривояти).

Имом Мунзирий айтади: “Бу ҳадисда нубувват нурларидан бир нур бор”.

Дунёда зоҳид бўлиш ҳақида кўплаб оят ва ҳадислар келган, жумладан: «Айтинг: “Дунё лаззати

Огоҳлик – давр талаби

қисқадир. Тақволи кишига эса, охираат яхшидир. Хурмо данагининг ипича ҳам (Аллох тарафидан) зулм қилинмайси»» (Нисо сураси, 77-оят).

«Ҳа, сизлар дунё ҳаётини (охираатдан) устун кўюрси. Ҳолбуки, охираат яхшироқ ва боқийроқдир» (Аъло сураси, 16–17-оятлар).

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: “Дунё (ҳаёти) охираат (ҳаёти) олдида ҳеч нарса эмас, сизлардан бирингиз бармоғини денгизга суқиб чиқаргандек гап. Қарасин-чи, қанча (сув) чиқарибди?!” (Имом Муслим ривояти).

“Агар Аллох таоло ҳузурда дунёнинг паиша қанотича қадри бўлганида эди, ундан кофирга бир қултум ҳам сув ичирмасди” (Имом Термизий ривояти).

Юнус ибн Майсара айтади: “Ҳалолни (ўзига) ҳаром қилиб олиш, молни зое қилиш зоҳидлик эмас. Зоҳидлик – Аллох таоло берадиганига кўлингдаги нарсдан кўпроқ ишонишинг, бошингга мусибат тушганида ҳам, тушмаганида

ҳам ҳолинг бир хил бўлиши ҳамда сен учун мақтов ва мазамматнинг баробарлиги”.

Зухднинг мазкур уч аломати қалбга тегишли бўлиб, улар иймоннинг саломатлиги, камоли ва қувватидан униб чиқади. Дарҳақиқат, Аллох таоло бандаларининг ризқларига ўзи кафилдир.

Кимнинг наздида дунёнинг қадри баланд бўлса, у мақтовга ўч бўлади, мазамматни ёмон кўради, шу туфайли ҳақдан юз ўгириб, ботил нарсаларга кўл уради. Яъни, одамларнинг мақтови ёки қандайдир дунё матосини кўзлаб, номақбул ишларни қилишга тайёр бўлади.

Ким инсонларнинг қўлидаги нарсалардан беҳожат бўлса, тама қилмаса, албатта, одамлар уни яхши кўриб, иззат-икром кўрсатишади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам умматларини дунё борасида кимўзарлик қилиш худди аввалгиларни ҳалок қилганидек уларни ҳам ҳалок қилиши ҳақида огоҳлантирганлар.

Бир аъробий басраликлардан уларнинг бошлиқлари ҳақида сўраганида, улар: “Яхши одам” дейишди. Аъробий яна сўради: “Нимаси билан раҳбар бўлган?” Улар: “Одамлар унинг илмига муҳтож, унинг ўзи эса, одамларнинг дунёсидан беҳожат”, дейишди. “Қасамки, мана шу раҳбарликдир!” деди аъробий.

Зухднинг ҳукми ҳақида айтилган гапларнинг хулосаси Иброҳим ибн Адҳам раҳимахуллохнинг ушбу сўзидир: “Зухд уч даражадан иборат: фарз зухд, саломат зухд ва фазл зухд. Фарз зухд – ҳаромлардан тийилиш, саломат зухд – шубҳалардан тийилиш, фазл зухд – ҳалоллар(нинг заруратдан ортиқчаси)дан тийилиш”.

“Иъламул анам фий шарҳи булуғил маром” асари асосида “Имом Фахриддин ар-Розий” ўрта махсус ислом билим юрти мударрисси  
Маъмуржон АБДУШАРИПОВ  
тайёрлади.

Ибратли ҳикоя

## Сохта салафийликни нега тарк

Сохта салафийлик фикрларидан тавба қилиб, аҳли сунна йўлига қайтган шайх Одил Шуайбий айтади: «(Салафий) шайхларимиз бизга: “Биз салафи солиҳлар йўлидамиз”, дейишганди. Билсам, биз хаворижлар йўлида эканмиз.

Бизга: “Сўфийлар – мушрик”, дейишарди, билсам, улар Аллохнинг энг мухлис бандалари экан.

Бизга: “Солиҳларни васила қилиш – ширк”, дейишганди. Билсам, барча уламолар уни жоиз санашган экан.

Бизга: “Қабрлар ёнида тиловат ва дуо қилиш аҳли сунна иттифоқи билан қайтарилган”, дейишарди. Билсам, аввалги аҳли ҳадис уламолар бу амал мустаҳаблигига иттифоқ қилишган экан.

Бизга: “Мавлид қилиш – мункар бидъат”, дейишди. Билдимки, барча аср уламолари бу амални мустаҳаб санашган экан.

Бизга: “Ашъарийлар – бидъатчи фирқа”, дейишган эди. Аммо Аллох таолонинг Китоби илмини сақлаган барча муҳаққиқ уламолар ашъарийлар бўлиб чиқди.

Бизга: “Аҳли сунна – бизлармиз”, дейишган эди. Билсам, улар карромийларга эргашган мужассима, хаворижларнинг айни ўзи экан».

## ЭТДИМ?

Диний таълимга бўлган эҳтиёжини интернет тармоғи орқали қондиришга ҳаракат қилаётган ёшларга тавсиямиз шуки, “Биз фақат Аллох ва Расулига, Куръон ва суннатга эргашамиз. Ҳукм фақат Аллохники!” деган баландпарвоз даъволарга алданиб қолманг. Аллох ва Расулига, Куръон ва суннатга эргашин улар даъво қилганидек мустақил амалга оширилмайди. Балки салафи солиҳлар, муҳаққиқ мужтаҳидлар йўлларига эргашин ва улар асос солган усул-қоидалар асосида бўлади.

Бунинг учун, аввало, ўзингизга эл-юрт олдида ишонч ва эътиборга сазовор бирор устозни лозим тутинг. У сизга ишни нималардан бошлаш кераклигини белгилаб беради. Унинг назорати остида айрилган китоб-дарсликларни пухта ўрганинг. Вақтингизнинг кўп қисмини вазифани ўзлаштириш, китоб мутолаасига ажратинг. Интернет тармоғидан илм олишга шошилманг. Акс ҳолда эътиқодимиз ва мазҳабимизга зид бўлган тушунча ва қарашлар гирдобига тушиб қоласиз. Ҳозирда

аксар ёшларнинг диний тушунчаларидаги бузилишлар сабаби айнан шудир. Мабодо, интернет тармоғи орқали илм олиш зарурати туғилса ҳам, уни устозингиз билан маслаҳатлашиб, унинг тавсиясига асосан амалга оширинг. Ана шунда мақсад сари тўғри йўл тутган ва турли фитна-зарарлардан ўзингизни асраган бўласиз.

Иброҳимжон ЮСУПОВ,  
Фарғона тумани “Эрматбой” жоме масжиди имом-хатиби



Иброҳимжон Юсупов 1984 йили Қувасой шаҳрида туғилган. 2003 йили Андижондаги “Сайид Муҳйиддин Маҳдум” мадрасаси Таҳфизул Куръон курсини битирган.

2019 йилдан Фарғона тумани “Эрматбой” жоме масжиди имом-хатиби.

## Охири нима бўлади?

Замона подшоҳларидан бири вазирини ҳузурга чорлаб, бундай фармон берди:

– Шундай нарса қилгинки, сиқилганимда унга қараб хотиржам бўлай, жаҳлим чиқса соқинлашай. Салтанатимдан мағрур бўлганимда, унга қараб тавозе соҳибига айланай.

Вазир подшоҳга бир узук ясаптирибди, устига “Охири нима бўлади?” дея ёздирибди.

Бир куни подшоҳ ўз салтанатидан мағрурлана бошлабди. Шунда дарҳол узукка қарабди. “Бунча неъмат ва давлатнинг охири нима бўлади?” деган ўй ўтибди ҳаёлидан. Албатта, охири ўлим, ва бу давлатнинг қиёматда ҳисоби бор. Ёмонлик йўлида ишлатсам, азоби бор”, дебди ўзига ўзи ва қалбини ғурур тарк этганини сезибди.

Бошига мусибат келганда яна узукка қараб: “Мудом охири барибир ўлим, ҳозир хафа бўлишга не ҳожат?” дебди ва яна қалбига сақинат инибди.

Бир куни қаттиқ ғазаб отига минибди. Бу гал ҳам кўзи узукдаги ёзувга тушгач, охири ўлим, жаҳл қилсам нима ҳам бўлади, жаҳл қилмасам нимага эришаман, дебди ва ғазабини босибди.

Нигора МИРЗАЕВА

# Айбни ўзимиздан қидирайлик...

Бошига мушкулот тушганда бошқаларни маломат қилувчи кимсаларни кўп учратамиз. Иши юришмаса ҳам, ўқишга киролмаса, касал бўлса, кўчасида чиқинди тўпланиб ётса, ҳовлисидаги дарахт куриб қолса ҳам – биров айбдор. Аслида ўзидан бошқа кимса айбдор эмас. Меҳнат қилишга бўйни ёр бермайди, китоб ўқишга ҳафсаласи йўқ, соғлиғига эътиборсиз, дуч келган жойга чиқинди ташлаб кетаверади, томорқасига қарамайди ва ҳоказо.

Афсус, бу иллат айримларнинг яшаш тарзига айланган. Айниқса, унинг ёшлар орасида тарқалаётгани ачинарли. Бу худбинликнинг энг оғир кўринишидир.

Ушбу қалб хасталигидан узоқ бўлиш учун одам ўзига танқидий назар билан қарашни ўрганиши керак. Чунки инсон боласи хатокордир. Агар у ўзидаги нуқсонларга кўз юмса, уларни тузатиш пайида бўлмаса, хатолар ичида яшаб юраверади.

Бу борада солиҳ салафларнинг ҳаёт йўллари биз учун ибратдир. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху: “Айбларимни менга ҳадя қилган кишини Аллоҳ раҳм қилсин”, дер эди. У киши Салмон розияллоху анху дан ўз айби ҳақида сўрар эди. Бир куни олдига келганида: “Сени хафа қилган жойим борми?” деб сўради. Салмон розияллоху анху айтишдан бош тортса-да, қаттиқ туриб олди. Шунда: “Эшитишимча, бир дастурхонда икки хил хўрак ер эмишсан. Икки сидра кийим қилиб олиб, бирини кундузи, иккинчисини кечаси киярмишсан”, деди. “Бундан бошқа нарса етмадими?” деди. “Йўқ”, деди Салмон розияллоху анху. “Иккисини тўғриланди деб ҳисоблайвер”, деди Ҳазрат Умар розияллоху анху.

Умар ибн Хаттоб Хузайфадан доимо: “Сен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мунофиқлар ҳақидаги сирлари соҳибсан. Менда мунофиқликнинг белгиларидан кўрасанми?” деб сўраб юрарди.

Ҳа, инсон ҳамиша ҳам ўзидаги камчиликларни кўра олмайди. У эса атрофдагиларнинг кўзига аниқ ташланади. Шу маънода бошқалардан ўз хулқида, юриш-туришида кузатилаётган хатолар ҳақида сўраб туриш фойдадан холи бўлмайди. Чунки мўмин мўминнинг ойнасидир.

Бировнинг хатосини юзига солиш ёки бу айб яширин бўлса, уни элга ошкор қилиш эса мўминнинг иши эмас. Зеро, Аллоҳ очмаган пардани очмаган маъқул. Киши биродарида бир айб ё хатони кўрса, уни ислоҳ этишга, тўғрилашга ҳаракат қилмоғи лозим. Бу иш қўлидан келмаса, у айбни яшириши яхшидир.

Абу Хурайра розияллоху анху дан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳумат қилади: **“Банда дунёда бир банданинг айбини яширса, Аллоҳ қийматда унинг айбини яширади”** (Имом Муслим ривояти).

Абу Саид Худрий розияллоху анху дан келтирилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дейдилар: **“Мўмин ўз биродарининг айбини кўриб, уни яширса, шу сабабли Аллоҳ таоло уни жаннатга киритади”** (Имом Табароний ривояти).

Дунёда ўзига яхшилиқни истаган, охиратдан умиди бўлган бандаси Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ушбу кўрсатмаларига ҳеч иккиланмай амал қилади. Акс ҳолда уни туганмас пушаймонликлар кутади.

Ота-боболаримизнинг бу борада ажойиб тутуми бўлган. Яъни, авваллари эр-хотин ўртасида низо келиб

чиқиб, вазият ажрашиш даражасига етса-да, улар бир-бирининг айбини ошкор қилишмаган. “Нима сабабдан бирга яшамоқчи эмассизлар?” деб сўралганда ҳам одоб сақлаб: “Тақдиримизда шу ёзилганга ўхшайди”, дейишдан нарига ўтишмаган. Боиси, эркак: “Агар мен ҳозир бу аёлнинг айбини айтсам-у, эртага ярашиб кетиб, бирга яшай бошласак, ўз аҳлимнинг айбини фош қилган бўламан. Тақдир тақозоси билан айри йўлга кетсак, бировнинг камчилигини элга ёйган ҳисобланаман” деган андиша бўлган. Хотин ҳам шундай. Ҳозир-чи? Бўлар-бўлмасга жанжаллашиб, эр хотинини, хотин эрини бегоналарга ёмонлаши, айбларини очиб ташлашига гувоҳ бўламиз. Ёки оилаларда қайнона ва келинлар ўртасидаги можаролар ҳам нуқул айбни бир-бирига ағдаришдан келиб чиқади. Қайнона: “Келиним ҳали ёш, билиб-билмай хатоларга йўл қўяди, уларни тўғрилашга ёрдамлашиш, тарбия бериш менинг вазифам” деса, келин эса: “Катталарга гап қайтариб, бетгачопарлик қилиб, одобсизга айланмаслигим керак. Ўзим ҳам берайб эмасман, бекорга танбеҳ беришмайди”, деб танқидларни тўғри қабул қилса, олам гулистон. Афсус, бундай мулоҳазакорлик кам учраятти. Ҳаммининг миясига “Бўш келсанг, бошинга чиқади” деган тушунча ўрнашиб олгандек гўё.

Халқимизда “Сен яхши – олам яхши” деган пурмаъно нақл бор. Биз бировга эмас, кўпроқ ўзимизга масъулмиз. Дунёда бирор нарсани ўзгартириш шарт бўлса, аввало, буни ўзимиздан бошламоғимиз лозим.

Тўлқин ЭШТЎХТАР ўғли

## Кўрик танлов



“Паркент ижод уйи”. “Ноширлар ва муаллифлар ҳамкорлиги” мавзусидаги семинардан. “Шамсуддинхон Бобохонов” НМИУ нашр этган (2020 йил) “Соғлом турмуш тарзи Ислом дини нигоҳида” китоби – “Китобсевар миллат” шиори остида ўтказилган “Йилнинг энг яхши китоби” танлови ғолиби.

## Масала

3-бетда

**САВОЛ:** Синглим тиббиёт олийгоҳида ўқийди ва энди ўзига маъқул йўналишни танламоқчи. У пластик хирургияга қизиқиб қолган, яъни оғиз, бурун, қулоқ кибиларда ташқи кўриниши жиҳатдан нуқсонлар (масалан, қийшиқ) бўлса тўғрилаш, даволаш билан шуғулланаркан. Эшитишимча, Аллоҳ таоло яратган кўринишни, инсон терисини кесиш гуноҳ ҳисобланаркан.

**ЖАВОБ:** Табиий хилқатни, кўринишни ўзгартириш жоиз эмас. Аммо баъзи ҳодисалар сабаб шикастланган аъзоларни аслига келтириш учун жарроҳлик амалиётини қўлласа бўлади.

**САВОЛ:** Ҳурматли Фатво ҳайъати аъзолари! Қайси пайғамбарнинг ҳам ўзи, ҳам отаси, ҳам бобоси ва ҳам ўғли пайғамбар бўлган?

**ЖАВОБ:** Яъқуб алайҳиссаломнинг ўзи, отаси Исҳоқ алайҳиссалом, бобоси Иброҳим алайҳиссалом ва ўғли Юсуф алайҳиссалом пайғамбар бўлишган (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин).

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади. Набий алайҳиссалом дедилар: **“Ўзи олижаноб, отаси олижаноб, бобоси олижаноб ва бобосининг отаси олижаноб. Бу Юсуф ибн Исҳоқ ибн Иброҳимдир”** (Имом Бухорий ривояти).

**САВОЛ:** Икки Ҳарамда аср намози эртароқ ўқилар экан. Биз ҳам ана шу вақтда ўқисак бўладими?

**ЖАВОБ:** “Фатовои ҳиндия”да бундай дейилади: “Эҳтиёт шулки, пешин намози асл соя бир ҳисса бўлмасидан, аср намози эса, асл соя икки ҳисса бўлганида ўқилса, ҳар иккиси ўз вақтида адо этилган бўлади”.

7-бетда

Саҳоба Абу Масъуд Бадрий иккинчи Ақаба байъати иштирокчиси. Бадрида иштирок этмаган. Уҳуд ва ундан кейинги ғазотларда қатнашган. Жуда кўп ҳадислар ривоят қилди. Саҳобаларнинг олимларидан. Куфада яшаган. Али ибн Абу Толибнинг издошларидан. Али розияллоҳу анҳу Сиффинга кета туриб, уни Куфага ўзининг ўринбосари этиб қолдирган.

Исми: Уқба ибн Амр ибн Саълаба Ансорий Ҳазражий Бадрий. Кунyasi: Абу Масъуд. Ансорлар билан иймонга келган. Онаси: Салама бинти Озиб. Аёли: Хузайли бинти Собит. Ақабага етмишта ансор билан чиққан. Иккинчи Ақабада ҳам иштирок этган етмиш нафар саҳобанинг энг ёши кичиги. Бадрида иштирок этмаган. Бадридаги сув ёқасида тўхтаб, ўша ерда яшаб қолгани учун "Бадрий" деб ном олган.

Набий алайҳиссалом хизматкорини калтаклашдан қайтарган саҳоба Абу Масъуд Бадрийдир. Ўзи бундай ривоят қилади: "Қамчим билан

### Ёмонликдан қайтариш

## Болаларни ўч олиш нишонини қилманг!..

Кейинги пайтларда эр-хотинлар ўртасидаги жанжалларда бегуноҳ болалар ўч олиш нишонига айланаётгани ачинарлидир. Яқинда Самарқанд вилоятида Россияда ишлаб юрган эри билан телефон орқали мулоқотда жанжаллашиб қолган жувон унга қасдма-қасд икки мурғак қизчасини шафқатсизларча калтаклаб видеога олгани кўпчиликни нафратлантди. Афсус, бундай ҳолат биринчиси эмас.

Энг ачинарлиси, бу тарздаги "қасоскорлик" оқибати болаларни ўлдиршигача бормоқда. Эсингизда бўлса, шу йил апрель ойининг бошида пойтахтимизда оилавий низолардан чарчаган аёл аввал 5 ҳамда 4 ёшли ўғилларини 9-қаватдан бирин-кетин ташлаб юбориб, сўнг 6 ойлик қизалоғини олиб, бирга пастга сакраб, ўз жонига қасд қилган эди.

Ўйлаб қоласан, ота ёки онанинг ўз жигарпорасини азоблашга, янаям аянчлиси, жонига қасд қилишга қандай қўли боради? Бундай хатти-ҳаракатларни бирор сабаб билан оқлаб бўладими?

Турмушдаги қийинчиликлар, хиёнат, камситилиш, зулмга учраш каби омилларни рўқач қилиб, фарзандкушларнинг "ҳолатини тушуниш" кераклигини уқтирувчилар учрайди. Муаммолар гирдобига тушиб қолганлар ҳаётда озми? Нима учун бунга фарзандлар айбдор бўлиши керак?

## Абу Масъуд Бадрий

ғуломимни ураётганимда ортимда: **"Билгин, эй Абу Масъуд"**, деган овозни эшитдим. Жаҳлимнинг зўридан овоз нима деяётганини тушунмадим. Менга яқин келганларида у киши Набий алайҳиссалом эканларини билдим. У зот: **"Билгин, эй Абу Масъуд, билгин, эй Абу Масъуд!"** дедилар. Қўлимдаги қамчини ташлаб юбордим. (Бир ривоятда: **"Ҳайбатларидан қўлимдаги қамчини тушириб юбордим"**, дейилган). Набий алайҳиссалом: **"Билгин, эй Абу Масъуд, сен бу қулни жазолашга қодирлигингдан кўра Аллоҳ сени жазолашга кўпроқ қодирдир"**, дедилар. Мен: "Бундан сўнг ҳеч қачон қўл остимдагини урмасман", дедим. (Имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ ривоятида Абу Масъуд: **"Ё Расулуллоҳ, (ушбу) қулим Аллоҳ таолонинг розилиги учун озоддир"**, дейди. Набий алайҳиссалом: **"Агар шундай қилмаганингда дўзах сени куйдирарди"**, деб айтадилар)» (Имом Муслим ривояти).

Кўп ҳадис ривоят қилган. У кишидан тобеинлар: ўғли Башир, Абдуллоҳ ибн Язид Хотмий, Авс ибн Зомъаж, Абу Воил Шақиқ ибн Салама, Алқама ибн Қайс Наҳъий, Масруқ ибн Аждаъ, Амр ибн

Маймун, Робиа ибн Ҳароша, Қайс ибн Абу Ҳозим, Абдурахмон ибн Язид Наҳъий ва Омир Шаъбий ҳадис ривоят қилишган.

Абу Масъуд Бадрий бундай дейди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мажлисга келдилар. Саъд ибн Уқба розияллоҳу анҳу: **"Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ таоло бизни сизга салавот айтишга буюрди. Биз сизга қандай салавот айтамеиз?"** деб сўради. Пайғамбаримиз алайҳиссалом сукут сақладилар. Ҳатто биз қани эди у бу саволни сўрамаганида эди, деб орзу қилдик. Бир муддатдан сўнг: **"Бундай денглар: **"Аллоҳумма солли ғала Муҳаммадин ва ғала али Муҳаммад кама соллайта ғала Иброҳима ва барик ғала Муҳаммадин ва ғала али Муҳаммад кама барокта ғала Иброҳима фийл ғаламина. Иннака ҳамидум мажид"**, деб айтинг. Салом эса, сиз билганингиздек"**, дедилар».

Абу Масъуд Ансорийдан яна бундай ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **"Аввалги (ўтган) пайғамбарлардан одамлар етиб келган (эшитган) гапларидан бири (шудир): **"Уялмасанг (ҳаё қилмасанг),****

**истаганингни қилавер!"** (Имом Бухорий ривояти).

Абу Масъуд Бадрий Муовия ибн Абу Суфён халифалиги даврида Мадинаи мунавварада оламдан ўтди. Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин.

**Мансуржон АБДУХОЛИҚОВ,**  
Пайариқ тумани бош имом-хатиби,  
"Ислом нури" масжиди имоми



Мансуржон Абдухолиқов 1970 йили Пайариқ туманида туғилган. 2022 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти битирган. Дастлаб, тумандаги "Олим Шайх" масжиди имом-хатиби бўлди. 2009 йилдан буён "Ислом нури" жоме масжиди имом-хатиби, Пайариқ тумани бош имом-хатиби вазифаларида ишламоқда.

Айтиш жоиз, ҳар қандай ҳолат, ҳатто бундан минг баравар ёмони ҳам, ҳимоясиз болаларга тажовуз қилишни оқламайди. Тўғри, ташқи босимлар сабаб, айниқса, нозик хилқат вакиллари бўлмиш аёлларнинг руҳий ҳолати издан чиқиши мумкин. Лекин нима бўлмасин, инсон ўзини, хатти-ҳаракатларини бошқара олиши зарур.

Аллоҳ таоло бандаларига мушкулотларда сабрли бўлишни буюрган. Чунки бошимизга тушадиган ҳар бир қийинчилик бизга юборилган синов хисобланади. Синовларга сабр қилиш эса мўминликнинг белгисидир. Аллоҳ юборган қийинчиликларига сабр этган, берган неъматларига шуқр қилган бандасига улуғ ажрларни ваъда қилган. Афсус, ораимизда сабр ва шуқрдан узоқ одамлар кўпайиб бормоқда. "Бургага аччиқ қилиб кўрпани ёқиш" одатга айланяпти. Қалблар қорайиб, унга ёвуз ниятлар уя қурмоқда. Қалин парда кўзларни берилган неъматларни кўришдан тўсаётир. Ахир Аллоҳ фарзанд неъматини инъом этган экан, шунинг ўзи шуқроналикка арзимайдими?

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз хузурларида ал-Ақраъ ибн Ҳобис Таймий ўтирганда, Ҳасан ибн Алини ўндилар. Шунда у: **"Менинг болам бор. Улардан бирортасини****

**ўпганим йўқ"**, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга назар солдилар ва: **"Раҳм қилмаганга раҳм қилинмас"**, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Ушбу ҳадис Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўта болажон бўлганларига далил хисобланиб, бундан у зотнинг ёш болаларни ўпиб туришлари, болани ўпиш унга раҳм кўрсатиш экани, киши бировга, хусусан, ўз фарзандига раҳм қилмаса, Аллоҳ таоло ҳам унга раҳм қилмаслиги маълум бўлади.

Ота-онага болаларини Аллоҳнинг омонати сифатида парваришлаш, меҳр бериб тарбия қилиш буюрилган. Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **"Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **"Кишининг ўз боласига одоб бермоғи унинг бир соъ садақа қилганидан яхшидир"**, дедилар» (Имом Термизий ривояти).** Демак, фарзандга тўғри тарбия беришнинг ўзида улкан савоб бор. Зотан, одоб бериш фарзандга меҳрибонлик кўрсатиш, яхшилик қилиш демак. Унинг ажри эса хайр-садақаникидан улуғ саналади.

Қаранг, фарзандга нисбатан қандай муносабатда бўлиш зарур! Айримлар боласига гўё шахсий мулкка қарагандек қарайди. Дунёга келтирдим, боқиб катта қиялман, нима қилсам, ҳаққим бор, деб ўйлашадди. Фарзандини ўч олиш воситасига

айлантираётганларнинг онгига айни шу нарса ўрнашган. Йўқ, ундай эмас. Болангизга меҳр беришга, одоб ўргатишга бурчлисиз, аммо зулм қилишга ҳаққингиз йўқ. Зулм қилувчиларни охиратда оғир азоблар кутаётганини унутманг. Бировга аччиқ қилиб гуноҳсиз фарзандга жабр етказганлар Аллоҳнинг чексиз ғазабига дучор бўлишади.

**Мансуржон Мансуров,**  
Қўшқўпир тумани бош имом-хатиби



Мансуржон Мансуров 1976 йил Боғот туманида туғилган. Бухородаги Мир Араб мадрасасини битирган. 2009–2013 йилларда Тошкент ислом институтида таҳсил олган. 2021 йилдан бери "аз-Замахшарий" жоме масжиди имом-хатиби, Қўшқўпир тумани бош имом-хатиби.



# Қуръонда зикр қилинган ранглар

**Сариқ ранг.** Бу Қуръони каримда биринчи зикр қилинган ранг бўлиб, беш ўринда учрайди:

«(Мусо) деди: **“У айтмоқдаки, у ярқироқ, сарғиш рангли сигир бўлиб, кўрганларни қувонтирур”**» (Бақара сураси, 69-оят).

Бу оятда сариқ ранг кўзни қувонтирадиган деб хабар берилмоқда.

«**Борди-ю, шамолни юборсак ва уни (экинни куриб) сарғайган ҳолда кўрсалар, ...**» (Рум сураси, 51-оят).

Бу ерда сариқ ранг бузилиш, емирилиш маъноларини ифода этмоқда.

«(У) **бамисоли бир ёмғирки, унинг (сабабидан униб чиққан) гиёҳ кофирларни таажжубга солур. Сўнгра у қуригач, уни сарғайган ҳолда кўрасиз. Сўнгра у ўтин бўлиб қолур...**» (Ҳадид сураси, 20-оят).

Бу оятда ҳам туташ, қуриш-қовжираш маъноларида келмоқда.

**Оқ ранг.** Бу ранг Қуръони каримда ўн икки марта зикр қилинган.

«**Шунингдек, тонггача, яъни оқ ипнинг қора ипдан (тонгнинг тундан) ажраладиган вақтигача еб-ичаверингиз...**» (Бақара сураси, 187-оят).

Оятдаги оқ ранг ёруғлик, тонг отишини ифодалаб келган.

«**Юзлари оқарган зотлар эса Аллоҳнинг раҳматида (жаннатиди) дирлар. Улар у ерда абадий қолувчилардир**» (Оли Имрон сураси, 107-оят).

Оқ ранг жаннат аҳлига хос бўлган белги-аломатдир.

«**Кейин улардан юз ўгириб: “Эсизгина Юсуф!” деди. Ғам-ғусадан унинг кўзлари оқариб (ожиз бўлиб) қолди ва у энди маҳзундир**» (Юсуф сураси, 84-оят).

Бу ўринда эса, оқ ранг дард-иллат маъносида ифодаланган.

«**Кўлини (қўйнидан) чиқарган эди, бирдан у қараб турганларга оппоқ (нурли) кўринди**» (Аъроф сураси, 108-оят).

Бу ерда оқлик Мусо алайҳиссаломнинг мўъжизаларини тасвириллаб бермоқда.

«**Аллоҳ осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдириб, у билан ранглари турли бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми?! Яна тоғларнинг оқ, қизил, ранг-баранг йўл(лиси) ҳам, тим қораси ҳам бордир**» (Фотир сураси, 27-оят).

«**Оппоқ ва (май тўла қадахлар) ичувчилар учун лаззатлидир**» (Соффот сураси, 46-оят)...

**Қора ранг.** У Қуръони каримда саккиз марта зикр қилинган:

«**Шунингдек, тонггача, яъни оқ ипнинг қора ипдан (тонгнинг тундан) ажраладиган вақтигача еб-ичаверингиз...**» (Бақара сураси, 187-оят).

«**Баъзи юзлар оқарадиган ва баъзи юзлар қораядиган кунни (қиёматни) эсланг: юзи қорайганларга (хужжат исботи учун шундай дейилур): “Иймон келтиргандан кейин яна куфрга қайтган эдингизми? Куфрингиз туфайли мана шу азобларни тотиб кўринг, энди!”**» (Оли Имрон сураси, 106-оят).

«**Қайси бирларига қиз (кўргани ҳақида) хушxabар берилса, ғазаби келиб, юзлари қорайиб кетади**» (Наҳл сураси, 58-оят).

«**Сўнгра уни қорамтир хазон қилиб қўйган зотдир**» (Аъло сураси, 5-оят).

«**Яна тоғларнинг оқ, қизил, ранг-баранг йўл(лиси) ҳам, тим қораси ҳам бордир**» (Фотир сураси, 27-оят)...

**Яшил ранг.** Бу ҳам Қуръони каримнинг саккиз ўрнида келади:

«**Шоҳ (бир куни) деди: “Мен тушимда еттита озғин сигир еттита семиз сигирни еяётганини ва еттита яшил бошоқ билан бирга бошоқ (еттита) қуриган бошоқларни кўрдим. Эй аъёнлар! Агар туш таъбирини айтувчи бўлсангиз, тушим тўғрисида фатво (жавоб) берингиз!”**» (Юсуф сураси, 43-оят).

«**Устиларида яшил ипак ва шойи либослар бўлиб, улар кумуш билакузуклар билан безанган бўлурлар ва Парвардигорлари уларга пок шароб ичирур**» (Инсон сураси, 21-оят).

«(Жаннат аҳли) **яшил ёстиқлар ва гўзал гиламлар узра ястанган ҳолларида (ўтирурлар)**» (Ар-Роҳман сураси, 76-оят)...

**Кўк ранг.** У Қуръони каримда бир марта зикр қилинган:

«(У) **сур чалинадиган кундир. У кунда Биз жиноятчиларни кўзлари (кўркувдан) кўк (нурсиз) бўлиб қолган ҳолларида йиғурмиз**» (Тоҳо сураси, 102-оят).

**Қизил ранг.** Бир марта зикр қилинган:

«**Аллоҳ осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдириб, у билан ранглари турли бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми?! Яна тоғларнинг оқ, қизил, ранг-баранг йўл(лиси) ҳам, тим қораси ҳам бордир**» (Фотир сураси, 27-оят).

**Пушти ранг.** Бир марта зикр қилинган:

«**Бас, қачонки, (қиёмат қойим бўлгач) осмонлар ёрилиб (жаҳаннам ҳароратидан) ёғнинг дурдаси каби бўлур (қизариб қолур)**» (Ар-Роҳман сураси, 37-оят).

**Тўқ яшил ранг.** Унинг зикри Қуръони каримда бир марта келади:

«**Иккиси (серсув ва серсоя-**

## Масала

5-бетда

**САВОЛ:** Эркаклар оёқларини қаъдада аёлларга ўхшаб ён томонга чиқариб олишлари тўғрими?

**ЖАВОБ:** “Бадоиъус саноиъ” китобида бундай дейилди: “Қаъданинг суннатга мувофиқ бўлиши учун ўнг оёқни тикка қилиб, чап оёқни тўшаб устига ўтириш керак.

**САВОЛ:** Бавосили бор одам қон чиқиб турганида имомликка ўтса бўладими?

**ЖАВОБ:** Жароҳатидан доимий қон ёки йиринг оқиб турадиган киши соҳиби узр ҳисобланади. Соҳиби узр бўлган одам узри бўлмаган кишиларга имом бўлиши жоиз эмас.

**САВОЛ:** Таҳорат олганимда, мустаҳаб қилганимда уст-бошларимга ва баданларимга сув сачрайди. Шу кийимимда намоз ўқишим мумкинми?

**ЖАВОБ:** Мустаҳаб қилганда ювилаётган жой тоза бўлмасидан олдин сачраган сув кийимни ҳам, баданни ҳам нопок қилади. У сув теккан кийим ёки баданни ювиш лозим бўлади. Аммо ювилаётган жой тоза бўлганидан сўнг сачраган сув теккан кийим ё бадан нопок бўлмайди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.  
Тел. 78-150-33-44

ликдан) **тўқ яшилдирлар**» (Ар-Роҳман сураси, 64-оят).

Олимжон ОБИДЖОНОВ,  
Қувасой шаҳар “Ислом” жоме масжиди имом ноиб

## Ҳадис ва ҳаёт

# Ер ҳақидаги ҳадисни илм тасдиқлади

Ер ибодат жойи ва покланиш воситасидир. Намоз вақти кирса, ернинг исталган жойида ибодат қилиш мумкин. Сув топилмай қолган вақтларда тупроқ билан таяммум қилиб покланса бўлади. Бу ҳақда бизга Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганлар.

Амр ибн Шуайб отасидан, отаси бобосидан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **“Мен учун ер юзи намозгоҳ ва поқловчи қилинди. Қаерда намоз вақти кирса ва сув топилмаса, тупроқ билан таяммум қилиб намоз ўқийвераман”** (Имом Аҳмад ривояти).

Абу Умома розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Ер юзининг барчаси мен ва умматим учун намозгоҳ ва поқловчи қилинди. Умматимдан қай бири намоз вақтига тўғри келиб қолса, албатта, унинг ҳузурда намозгоҳи ва поқловчиси муҳайёдир”** (Имом Аҳмад ривояти).

Олимлар тупроқда бактерияларнинг энг мураккаб турларини тозалаш ва йўқ қилишга қодир антибиотиклар мавжудлигини аниқлашди. Бу эса, ўз навбатида, ернинг дезинфекциялаш воситаси эканлигини исботлайди.

Ушбу тадқиқотнинг бир қисми сифатида олимлар тупроқдан фойдаланиб, бактериянинг зарарли турларини йўқ қила оладиган воситани яратишга ҳаракат қилишди. Лабораториядаги кенг қамровли синовдан сўнг, улар ер жинсига оид моддалар барча турдаги бактериялар оиласини 24 соат ичида йўқ қилишга қодирлигини ва ер тупроғидан фойдаланилмаган синовларда эса, маълум бир бактериялар оиласи 45 барабар кўпайганини аниқлашди.

Натижада ер юзасида антибиотиклар мавжудлиги маълум бўлди. Ер жинсига оид моддалар табиатда

бўлмаса, бактериялар инсон таънасига кириб, ўлимга олиб келиб, вируслар ва бактериялар сабабли сайёрамизда ҳаёт мавжуд бўлмас эди. Бироқ Аллоҳ таолонинг инояти билан ҳаётимизнинг давом этишини таъминлаш учун табиатда покланиш воситаси сифатида Ерни ва унга оид тупроқни яратди. Бу неъмат учун Аллоҳ таолога шукр қилиб, ҳамд айтишимиз керак.

Шермуҳаммад БОЛТАЕВ,  
Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани “Ўтовли Эшон” жоме масжиди имом-хатиби

# Имом Нававийнинг фазилатлари

Шайхулислам Муҳйиддин Абу Закарийё Яхё ибн Шараф ибн Муррий ибн Ҳасан ибн Хусайн ибн Муҳаммад ибн Жумъа ибн Ҳизом Нававий ҳозирги Сурия давлатининг Хаврон қишлоғида ҳижрий 631 йилда таваллуд топган.



Ёшлигидан отасининг тарбиясида улғайган. Отаси эса, кўпчиликка таниш бўлмаган, лекин ризқига барака берилган инсон эди. Имом Нававий етти ёшга етганида, Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечаси отасининг ёнида ором олаётганида ярим кечаси уйғониб кетади. Бу ҳақда отаси бундай дейди: “Уғлим мени уйғотди ва “Эй отажон! Ҳовлимизни зиёга тўлдирган бу қандай нур?” деб сўради. Бу вақт оиламиздагиларнинг барчаси уйғонган эди. Лекин бизлар ҳеч қандай нур топа олмадик. Шунда мен бу кеча Қадр кечаси эканлигини билдим”. Нававий ўн саккиз ёшга етганида, отаси уни Дамашқ шаҳрига олиб келади. Бу вақтда Дамашқ шаҳри олимлар ва турли тарафлардан илм ўрганиш учун ташриф буюрган толиби илмлар маркази ҳисобланар эди.

Бу ерда бўлажак имом ўз вақтини таълим олиш ва таълим беришга

сарфлади. Бу борада у зотнинг ўзлари бундай дейди: “Мен Дамашқда икки йил мобайнида ёнбошимни ерга қўйиб ухламадим”. Имом Заҳабий ҳам бу ҳақда: “Имом Нававийнинг кечаю кундуз илмга шўнғигани, бу борада тиришқоқлиги ҳамда уйқуни тарк этгани омма орасида зарбулмасал қилинади”, деган.

Таржима китобларнинг соҳиблари Имом Нававийнинг зуҳд ҳамда тақвода барчага йўлбошчи бўлганларини таъкидлашади. Ибн Аттор: “Нававий барча вақтини илм олиш, унга амал қилишга сарфлаган эди. Бир кеча ва кундузда фақатгина хуфтондан сўнг бир лўқма таом тановул қилар ва саҳар вақтида бир култум сув ичар эди”, деган.

Муҳаммад ибн Ҳасан Лаҳмий айтиди: “Имом Нававийнинг кароматлари жуда кўп зоҳир бўлган. Қулфланган эшикларнинг очилиши ва яна



ўз ҳолига қайтиши шулар жумласидан. Кечаси девор ёрилиб, унинг ичидан хушсурат бир кишининг чиқиб, у зот билан яхши амаллар ҳақида суҳбатлашиши ва ҳоказо”.

Имом Нававийдан жуда кўп китоб мерос қолган. Жумладан: “Шарҳул Муслим”, “Ровзатут толибийн”, “Минҳожут толибийн”, “Риёзус солихийн”, “Ат-тибён фий адаби ҳамалатил Куръон”, “Ат-тахрийр фий алфозит танбийх”, “Ал-мажмуъ шарҳул муҳаззаб”, “Ал-ийзоҳ фийл маносик”, “Бўстонул орифийн”, “Маноқибуш Шофеъий”, “Мухтасару усдул ғоба”, “Адабул муфтий вал мустафтий”, “Дақоикур равза”, “Тухфату

туллобул фазоил”, “Таҳзийбул асмо вал луғот”, “Ат-тархис фийл икром вал қиём”, “Ал-арбаъийн ан-Нававий” ва бошқалар.

Бу буюк зот Байтул Макдисни зиёрат қилиб, ўз қишлоғи Навога қайтади. Шу ерда отасининг олдида бемор бўлиб, касаллик туфайли вафот этади. Бу ҳодиса ҳижрий 676 йил ражаб ойининг йигирма тўртинчисига тўғри келади. Бу хабар Дамашққа етгач, шаҳар ва унинг атрофи йиғидан ларзага келади.

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ хоҳласа, биз буюк олим Имом Нававийнинг кўпчилик учун маълум бўлган “Ал-арбаъийн ан-Нававий” китобидаги ҳадисларнинг таржимаси ва уларнинг баъзи шарҳларини мунтазам равишда эътиборингизга ҳавола этиш ниятидамиз. Зеро, илмга чанқоқ халқимиз оз бўлса-да, бу ҳадислардан баҳра олсалар, гўзал иш бўлар эди.

**Жалолиддин ҲАМРОҚУЛОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
раиси ўринбосари


## Фарзандингизга ўқиб беринг

Бир тўрғай йўлнинг бўйидан ўзига уя қуриб, тухум босди. Фил шу сўқмоқдан сув ичишга бораётганида уяни топтаб, тухумни эзиб ўтиб кетди. Тўрғай бу бадбахтликни кўриб дарҳол учиб бориб филнинг бошига қўнди ва деди:

– Шоҳим! Сен нима учун тухумларимни пачоқлаб, болаларимни ҳалок этдинг? Ўзингга нисбатан мени заиф, кучсиз ва нотаъон деб санаганинг учун шундай қилдингми?

– Ҳа, фақат шунинг учун, – деди фил.

Тўрғай буни эшитгач, учиб



# Кибрланиш – балонинг боши

кушлар ёнига борди ва бошига тушган фалокатни айтиб берди.

Кушлар:

– Биз филни нима ҳам қила олардик? Биз кучсиз паррандалармиз, – дейишди.

Тўрғай уларга деди:

– Илтимос қиламан, сиз мен билан бориб, филнинг кўзини чўқиб кўр қилинг. Унинг бошига мен ҳам қандай шўришлар солишни биламан.

Улар рози бўлишди. Тўрғай билан учиб бориб, филнинг кўзини чўқилаб-ўйиб ташлашди. Шундан кейин фил на сув ичиш, на бир овқат топиб ейишнинг иложини қила олди. Турган жойида нима топса, шу билан кифояланиб кун кечирадиган бўлди. Тўрғай буни кўргач, аламига чидолмай, ҳовуз ёқасига келиб қурбақаларга фил устидан шикоят қилди.

Улар:

– Биз кучли филга қарши нима ҳам қила олардик, – дейишди.

Тўрғай:

– Сиз фил турган жойга яқин

бўлган бир чуқурнинг четига бориб, ўша ерда баланд овоз билан вақир-вукур қилсангиз, фил сизнинг овозингизни эшитиб, у ерда сув бор экан, деб ёнингизга боради-да, чуқурга қулаб кетади, – деди.

Қурбақалар бунга рози бўлдилар. Чуқур четига бориб вақирлай бошладилар. Сувсизликдан қийналган фил қурбақаларнинг овозини эшитиб, улар томон йўл олди ва чуқурга йиқилиб ҳалок бўлди. Тўрғай эса учиб бориб унинг бошига қўнди ва қанот қоқиб деди: “Эй ўз кучига ишониб, менга ҳақорат кўзи билан боққан зулмкор! Жуссам кичкина бўлса-да, ақлим зўр эканини исботладим, сенинг бўйинг дароз бўлса-да, ақлинг қисқа экан. Хўш, энди нима дейсан?!”

“Калила ва Димна”дан

Қиссадан ҳисса:

Аллоҳ таолонинг иродаси ила ўзларининг қудратига ишониб, кичик ўлкаларга бостириб келган

катта қўшинлар мағлуб бўлган;

Даврага рақибини назарига илмасдан чиққан полвоннинг йиқилганини, рингга кибрланиб чиққан боксчининг мағлуб бўлганини кўрмаганмисиз;

Агар кимгадир қизиқиб бошласангиз, у ҳам сизга қизиқа бошлайди. Ундан яхши сифат топсангиз, у ҳам сиздан яхши сифат топади...

Уйингиз тинч, болаларингиз омон – бахтлисиз. Шу бахтингизни муҳофаза қилишни истасангиз, бошқаларнинг бахтига чанг солмангиз;

Йўқ жойдан ўзига душман ортириб олган киши ўзининг ва фарзандларининг қаттол душмандир;

Қудратингизга ишониб, ўзингиз заиф санаган кишига зарба бермоқчи бўлаверсангиз, у ноилжликдан ўзини ҳимоя қила бошлайди ва ўзини ҳимоя қилаётиб, сизга зарар етказиб қўяди.

**Дамин ЖУМАҚУЛ**

Muassis:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси “Shamsuddinxon Bobxonov” NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Аллоларимиз

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Nuriddin XOLIQAZAROV	Tolibjon NIZOMOV
Sodiq TOSHBOYEV	Hikmatulloh TOSHEMIROV
Homidjon ISHMATBEKOV	Muzaffar KAMOLOV
Jaloliddin HAMROQULOV	Azizbek XOLNAZAROV
Obidjon QODIROV	Jamoatchilik kengashi
Uyg'un G'OFUROV	Alisher ESHIMOV
Muhammadsharif JUMAN	Islomiddin ZUHRIDDINOV
Xolmat ATABAYEV	Rustam JAMILOV
Komiljon BURXONOV	

Toshkent—100069, Zarqaynar 18-berkkoch'a, 47-a uy.  
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.  
m-nashr@mail.ru  
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195  
ISSN 2091-5225  
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.  
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: To'liqin SHERNAYEV  
Musahhiha: Zebo OMONOVA  
Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV  
Ekspertizaga berildi: 04.08.2023  
Xulosa (№03-07/6425) olindi: 10.08.2023  
“SHAMSUDDINXON BOBOXONOV” NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.650  
227/14-buyurtma.  
Bosmaxona manzili:  
Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkkoch'a, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث. لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!